

«Махам-Чирчиқ» АЖда илм-фан ва саноат интеграциясига бағишланган давра суҳбати ўтказилди

// 31.07.2026

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/ilm-fan20260731>

«Ўзкимёсаноат» АЖ ҳамда олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари ўртасидаги ҳамкорлик ва интеграцияни янада кучайтириш мақсадида бугун «Махам-Чирчиқ» АЖда Тошкент кимё-технология институти, Россия кимё-технология университети Тошкент шаҳар филиали, Умумий ва ноорганик кимё институти, Полимерлар кимёси ва физикаси институтлари ҳамда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби вакиллари ҳамда тадбиркорлик субъектлари иштирокида давра суҳбати ўтказилди.





Мазкур давра суҳбати доирасида корхона фаолияти, ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишилди. Шунингдек:

ишлаб чиқаришда мавжуд муаммолар ечими;
тайёр маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш;
ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашга қаратилган инновацион ечимларни жорий этиш;
ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи бошқа илмий-техник таклифлар муҳокама қилинди.

